



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 30 август, № 179 (9074)

Шанба

Сайтимишга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ҚАҲРАМОН АҲДОДЛАР ЖАСОРАТИ — ИБРАТ МАКТАБИ

Мустақил мамлакатда, озодлик ва осойишталик муҳотида яшаб, байрамлар қилар эканмиз, бу кунларни соғинган, бунинг учун курашган инсонлар беихтиёр ёдимизга тушади. Миллатнинг хотираси, гурури, виждони борки, уларнинг фидойилиги беиз кетмайди, авлодлар томонидан ҳамиша эъзозланади.



Истиклол байрами арафасида ўтадиган Қағон қурбонларини ёд этиш кунда ана шундай теран моҳият мурассам.

Ушбу сана муносабати билан 29 август кун Шайхлар хотираси хиёбонига давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, нурунийлар, зиёлилар йиғилди.

Маросимда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Ватан фидойилари ҳақиқа Қуръон тиловат қилинди. Элға ош тортилди.

Хиёбондаги рамзий қабр ёнида ҳам

Қуръон тиловат қилинди. Шу ерда уламо ва зиёлилар билан тарихни ўрганиш ва ёшларга ўргатиш, мустақиллик ва тинчликни қадрлаш ҳақида мулоқот бўлди.

Ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида Ватан озодлиги йўлида жон фидо этган ота-боболаримиз ҳақлариға дуо қиламиз. Ватан учун, миллат учун, халқ учун курашган қаҳрамон аҳдодларимиз жасорати биз учун доимо ибрат мактаби бўлиб қолади, — деди давлатимиз раҳбари.

Маълумки, ўша машъум йилларда

100 мингдан зиёд беғуноҳ ватандошларимиз қағон қилинган. Минглаб юртдошларимиз “халқ душмани” деган ноҳақ айблов билан отиб ташланган, ундан ҳам кўпи сургун қилинган. Уларнинг ортидан минглаб аёллар бева, болалар етим бўлиб қолган. Орадан қарийб бир аср ўтган бўлса-да, ўша муҳиш даврни чуқур изтироб билан эсга оламиз.

Булари бугунги эркин ҳаётимизни янада қадрлашга, мустақилликни мустаҳкамлашга ундаши таъкидланди.

— Ватанимиз фидойиларини улуғлаш,



хотирасини абадийлаштириш бўйича кўп ишлар қиялпмиз, — деди Шавкат Мирзиёев. — Сўнгги саккиз йилда 1 минг 200 дан зиёд жағолаш боболаримиз номи оқланди. Қағон қурбонлари хотираси давлат музейи реконструкция қилиниб, минглаб янги ҳужжатлар билан тўлдирилди. Ҳудудларда ҳам шундай музейлар ташкил этилди. Бу йил жаҳидчилик ҳаракатининг йўлбошчиси Махмудхўжа Бехбўдий таваллудининг 150 йиллигини нишонлаялпмиз. Бухоро шаҳрида Жаҳидлар мероси давлат музейи ташкил қилинмоқда.

Энди буларнинг мазмунини, “тирик” тарихимизни халқимизга кенгроқ етказиш керак.

Мана, ўтган йилдан эътиборан, ҳар йили октябрнинг биринчи ҳафтасини Сиёсий қағон қурбонларини ёд этиш ҳафталиги сифатида белгилади. Бу йил ушбу тадбир Хотира ва тарбия ҳафталиги сифатида ўтказилади. Ҳўш, бу ҳафталикда халқимизга нималарни етказамиз, ёшларимизга нимани ўргатамиз? Тарихчи олимлар, ёзувчи-шоирлар билан бирга буни чуқурроқ ўйлаб, халқчил, оммабоп қилиб йўлга қўйиш

керак. Мактаб ва университетларда қўшимча дарслар, телеканалларда маҳсул кўрсатувлар бериш, ёшлар ўртасида танловлар ўтказиш мумкин. Мустақиллик қандай буюк неъмат эканини, қандай кучли аҳдодларимиз борлигини элнинг қон-қонига сингдириш керак. Агар ёшларимиз руҳан кучли бўлса, ўз олдига қатта мақсадлар қўяди, фанлариям яхши ўрганади, етук шахслар бўлиб етишади.



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!

«Янги Ўзбекистон» боғида ўтказилган байрам тантаналаридан репортаж.

Ёруғликнинг қиймати зулматда билинади. Саломатлик нималигини бемор ётганлар чуқур ҳис этади. Ота-она қадрини ўшал меҳрибонларидан айрилган фарзандларнинг соғинчлари, кўзёшлари сўзлайди... Энг бебаҳо неъматлар энг яқинимизда бўлади. Шу қадар яқинимиздаки, баъзан уларнинг борлигига кўникиб қоламиз. Ва шўкр қилишни ҳам кўпинча унутиб қўямиз. Аммо бу билан уларнинг қадри сусаймайди. Ана шундай улуғ неъматлардан бири — Ватан мустақиллигидир!

Кўёш ҳар кун чиқиб, меҳр сочаётганини гоҳо пайқаймиз. Аслида, зиё бўлмаса, ерда ҳаёт тугайди. Қўш қўлда парвоз қилаётганида ўз қанотлари ҳақида ўйламайди. Бироқ қаноти қайрилса, у барча нозу неъматдан, эркин ҳаётдан, таъбир жоиз бўлса, бахтдан, саодатдан айрилади. Мустақиллик инсон учун худди кўёш нури қабиدير — тирикчилигига мазмун, куч-қувват бағишлайди. Озодлик одамга орзу-мақсадлари рўёби учун қанот беради. Кишининг ҳамма нарсаси бўлса-ю, эрки ўзида бўлмаса, ҳеч вақоси йўқдай гап. Хуррият инсонга инсон бўлиш

имкони ва ҳуқуқини беради. Озод ҳамда эркин миллатгина жаҳон сахнасида ўз сўзини айтиб, ўз йўлидан юради, ўз келажагини ўзи бино қилади. Унинг байроғи самоларда ҳилпираб, мардлар майдонида маҳфияси янграб туради...

Ўзбекистон давлати ва халқи 1991 йил 31 августда ана шундай буюк ҳуқуқ ҳамда имкониятни қўлга киритди. Шундан буён 1 сентябрь санаси Мустақиллик байрами сифатида кўтаринки руҳда, ҳамжиҳатлик билан нишонлаб келинмоқда.

Қайд этиш жоизки, бундан 34 йил муқаддам элимиз иродаси ва азму қарори билан эришилган миллий истиқлолимиз янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўлидаги барча ислохотларга тамал тоши бўлди. Бу улуғ неъмат жамиятимизда тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини кучайтириш, инсон қадри, ҳуқуқ-манфаатларини таъминлаш, минтақамизда яхши кўшниччилик алоқаларини янада ривожлантириш, дунё мамлакатлари билан фаол ҳамкорлик қилиш, Ватанимизнинг халқор микёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришда бекиёс таянч бўлиб хизмат қилмоқда.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ТЎРТ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Сиз, азизларни, кўп миллатли бутун халқимизни, хориждаги ватандошларимизни Ўзбекистон мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик шонли санаси билан чин қалбимдан табриклайман.

Истиклол байрами барчамизга муборак бўлсин!

Хурматли дўстлар!

Бугун, мана шу улуғ айём кунларида ҳаммамиз бир ҳаётли ҳақиқатни чуқур ҳис этмоқдамиз. Янги Ўзбекистон гоёси асосида бошлаган улкан ислохотларимиз туфайли мустақиллик берган ҳуқуқ ва эркинликларни ҳар бир юртдошимиз ўз ҳаётида чуқур ҳис қилиб, бу имкониятлардан кенг фойдаланмоқда.

Айнан ана шу улуғвор гоё асосида биз уч минг йиллик бой тарих ва маданиятимизни қайтадан идрок этдик. Юртимиз заминдаги Биринчи ва Иккинчи Ренессанс анъаналарини ривожлантириб, Учинчи Ренессанс сари дадил амалий қадамлар қўймоқдамиз.

Ишончим комил, бу йўлда Янги Ўзбекистон давлати, Янги Ўзбекистон жамияти буюк тарихимизни янги — янада юксак Ўйғониш даври билан боғлайдиган мустаҳкам кўприк бўлиб хизмат қилади.

Мир Алишер Навоий бобомизнинг **“Бу оламни яратишдан мақсад — инсон эди, уни бахтли қўриш эди”**, деган фикрларида чуқур маъно мужассам. Халқимиз асрлар давомида орзу

қилиб, курашиб ўтган инсон қадрини улуғлаш, уни бахтли қилиш — барча ислохотларимизнинг маъно-мазмунини ташкил қилмоқда.

“Инсон қадри учун, инсон бахти учун” деган эзгу тамойилга асосланган Янги Ўзбекистон гоёси амалда қудратли ҳаракатга айланди.

Дунёдаги мураккаб вазиятга қарамаздан, иқтисодиётимиз 6 фоиздан юқори суръатларда барқарор ўсаятгани халқимиз ўз танлаб олган йўлидан дадил бораётганини кўрсатмоқда.

Юртимиз аҳолиси йилгига ўртача 700 — 800 минг кишига кўпаймоқда. Меҳнат бозорига ҳар йили 500 — 600 минг нафар ёшлар кириб келмоқда. Бунча одамни ўқитиш, касб-ҳунарли қилиш, уларга иш топиб бериш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бунинг учун мунтазам ишлайдиган тизим, қафоллати инвестиция ва инфратузилма керак.

Шуни олдидан чуқур ўйлаб, биз бу йўналишда аниқ дастурларни қабул қилдик. Биз маҳалла-гача тушиб, ўзини ўзи банд қилган тадбиркордан тортиб йирик бизнесгача — барчасини алоҳида ёндашув асосида қўллаб-қувватлаш бўйича тизим барпо этдик.

Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, Янги Ўзбекистонда тадбиркорлик иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи, олдига бошловчи қатта кучга айланди.

Рақамларга эътибор берайлик: кейинги саккиз йилда ялли ички маҳсулотимиз 2 қарра

ошиб, ўтган йили 115 миллиард долларга, экспорт ҳажми 26 миллиард долларга етди. Йил якуни билан ялли ички маҳсулотимиз 130 миллиард доллар бўлади. Олтин-валюта захираларимиз тарихимизда илк бор 48 миллиард доллардан ошди, ўтган саккиз йилда юртимизга қарийб 130 миллиард доллар хорижий инвестициялар кириб келди. Буларнинг барчаси ислохотларимиз самараси, тараққиётимизнинг мустаҳкам қафолати, нуфузли молия институтлари ва хорижий компанияларнинг юксак ишончи эмасми?

Халқимизнинг кўз ўнгига минглаб замонавий корхоналар, ижтимоий-иқтисодий инфратузилма объеклари қад ростламоқда. Эътибор беринг, бу йил жами 35 миллиард доллар инвестиция эвазига 9 мингга яқин янги корхона, хизмат кўрсатиш мажмуалари барпо этилади. Энг улуғ байрамимиз арафасида 4 миллиард долларлик 79 та йирик объект ишга туширилди.

Ўтган даврда биргина кичик ва ўрта тадбиркорлар сони 2 қарра кўпайди. Бугун ушбу тармоқда 10 миллиондан ортиқ аҳолимиз меҳнат қилиб, даромад топтомоқда.

Биз йил бошида 5,5 миллион аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қатта марра олган эдик. Саккиз ойдаёқ 5 миллионлик режани урдаладик.

Энг муҳими, ислохотларимизга ишониб, шу йилнинг ўзида четда ишлаётган 700 минг фуқаромиз юртимизга, ўз оиласи бағрига қайтди.



ЯНГИ ЕР ОСТИ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛИ ОЧИЛДИ, ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИДА ЭСА ҚУРИЛИШ ЯКУНЛАНМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев 29 август кун Тошкент шаҳрида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Ҳар йили халқимиз Мустақиллик байрамига яхшилик ва янгиликлар билан қадам қўймоқда. Бу йил ҳам юртимиз манзилларида кўплаб иқтисодий-ижтимоий иншоотлар фойдаланишга топширилди, айримларида қурилиш ишлари якунланмоқда.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Янги Ўзбекистон кўчасида барпо этилган ер ости автомобиль йўлини кўздан кечирди.

Йўл инфратузилмасини ривожлантириш ва транспортлар ҳаракатиға қулайлик яратиш — мунтазам жараён. Бу, айниқса, аҳоли сони ошиб, худуди кенгайиб бораётган Тошкент учун долзарб масала.

Хусусан, сўнгги йилларда Янги Ўзбекистон кўчасида истироҳат боғи, уй-жойлар, университет ва Олимпия шаҳарчаси қурилди. Бу қўча кел-

гусида Янги Тошкент шаҳрига олиб борувчи асосий йўллардан бири бўлади.

Шу боис Янги Ўзбекистон кўчаси бўйлаб узунлиги 468, кенглиги 25 метр бўлган ер ости автомобиль йўли барпо этилди. У соатига 10 мингдан зиёд автомобилларни ўтказиш имкониятига эга.

Туннелнинг усти яшил худудга айлантирилиб, “Янги Ўзбекистон” боғи билан Олимпия шаҳарчаси ўртасида пиёдаларнинг хавфсиз ҳаракатланиши таъминланди.

Шунингдек, маъкур йўналишда лойиҳалаштирилган метро йўли учун туннель ва бекат ҳам қурилди.

Айтиш жоизки, юртимизда амалга оширилаётган ҳар бир лойиҳада экологик жиҳатлар алоҳида инобатга олинади. Янги Ўзбекистон кўчасида барпо этилган ер ости автомобиль йўли машиналар-

нинг вақт сарфини 2 баробар қисқартириб, қунига 1 тонна ёнилғи иқтисод қилинишига ва атмосферага чиқариладиган зарарли газлар микдори 2 тоннага қамайишига сабаб бўлади.

Давлатимиз раҳбари ер ости автомобиль йўлининг замонавий стандартлар асосида ташкил этилганига эътибор қаратди. Бу каби раван йўллар халқимизга қулайлик яратиб, туризм ривожига ҳисса қўиши қайд этилди.

Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказида ҳам қурилиш жадал давом этмоқда.

Маъкур улкан ва ноёб лойиҳа Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 23 июндаги қарорига биноан бошланиб, 2018 йилги Рамазон ҳайити кунини унга пойдевор қўйилган эди. Бугунги кунда бунёдкорлик ишлари якуний босқичга кирган.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ХИТОЙДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифи биноан 30 август — 3 сентябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ўзбекистон етакчиси 31 август — 1 сентябрь кунлари Тяньцзинь шаҳрида ўтадиган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси ва «ШХТ плюс» форматидagi саммитда иштирок этади.

Тадбирлар кун тартибидан устувор йўналишларда кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва ташкилот фаолиятини янада тақомиллаштиришнинг долзарб жиҳатлари ўрин олган. Унинг якунида Тяньцзинь декларацияси, хавфсизлик, рақамли иқтисодиёт, «яшил» саноат, энергетика, туризм ва бошқа соҳаларда шерикликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган қўшма ҳужжат-

лар ҳамда қарорлар қабул қилиниши режалаштирилган.

2 сентябрь кун Пекин шаҳрида давлатимиз раҳбари ХХР Раиси Си Цзиньпин билан музокаралар ҳамда Хитой расмий шахслари ва етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашувлар ўтказилади. Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари қўриб чиқилади.

Ўзбекистон Президенти 3 сентябрь кун Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 80 йиллигига бағишланган тантанали тадбирларда иштирок этади.

Ў.А.

ҚАҲРАМОН
АЖДОДЛАР ЖАСОРАТИ –
ИБРАТ МАКТАБИ

Бундай миллат ойдинлари ҳаётини ўрганиш фойда муҳим экани таъкидланди.

— Жадид боболаримиз ҳар соҳада илғор эди. Биринчи ўзбек романи, театр ва кино асарлари, турли фанлар бўйича дарсликларни айнан улар яратган. Ўтган асрнинг 20-йилларида Германияда таҳсил олган туркистонлик талабалар катоган қилинмаганида, бутун жамиятни ўзгаришарди. Бор тарихимизни тўғри етказа олсак, ёшларимиз бошқа қаҳрамон изламайди, етук боболаримиз бунинг учун тайёр намуна, — деди Президент.

Бундай маънавий асос умуммиллий бирлик ва барқарорлик учун ҳам зарур. Бугун дунёдаги вазият таҳлилкали бўлиб борапти. Давлатларнинг мустақиллигига таҳдидлар пайдо бўлмоқда. Буларнинг барчаси биздан доимо огоҳ ва ҳамжихат бўлиб, ислохотларни изчил давом эттиришни талаб қилади.

Яратганга шукрлар бўлсинки, юртимиз тинч, одамлар эртанги кунга ишонч билан яшаяпти. Бу — энг катта бойлигимиз.

Уламолар юртимиздаги шу тинчлик-хотиржамлик, файзу барака барқарор бўлишини талаб дуолар қилишди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев “Янги Ўзбекистон” боғига таширф буюриб, Мустақиллик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Юртимизнинг қадимги тарихидан то бугунгача бўлган энг муҳим воқеалар, буюк аллома ва жаҳонгир боболаримиз сиймолари акс этган мазкур мажмуа Мустақиллик рамзига айланган. Унинг энг юқори қисмидаги Ҳумо куши мамлакатимиз герби, халқимизнинг эзгу қадриятларини ифодалайди.

Давлатимиз раҳбари мазкур монумент она Ватанимиз, мард ва жасур, тинчликсевар ва меҳнаткаш, қаҳрамон халқимиз шарафига бунёд этилган буюк обида эканини таъкидлаган эди.

Мустақиллик монументи пойига гул қўйиш маросимида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, Тошкент шаҳар жамоатчилиги вакиллари ҳам иштирок этди.

ЎзА.

ЯНГИ ЕР ОСТИ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛИ ОЧИЛДИ,
ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИДА ЭСА
ҚУРИЛИШ ЯКУНЛАНМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев марказга ҳам ташриф буюриб, сўнгги пардозлаш ва жиҳозлаш ишларини кўздан кечирди.

Маҳобатли иншоот қадимги меъморий обидаларимиз шаклида бунёд этилмоқда. Миллий гумбаз ва пештоқлар, нақшларнинг ажойиб уйғунлиги унга алоҳида кўрк бағишлаган. Мажмуанинг тўрт томонида баландлиги 34 метрли пештоқлар, ўртада 65 метрли гумбаз қурилган.

Марказнинг энг асосий қисмида Қуръони карим зали бунёд этилмоқда. Бу ерда мусулмон дунёсининг маънавий дурдонаси — қадимий Усмон Мусхафи жойлаштирилади. Шунингдек, сомонийлар, қорахонийлар, хоразмшоҳлар, Ўзбекхон, теурийлар ва бошқа тарихий сулолалар даврида битилган муқаддас китобимиз нусхалари ва уларнинг эски ўзбек тилидаги таржималари қўйилади. Жаҳондаги энг нодир кўлэзма Қуръонлардан намуналар ҳам ўрин олади.

Президентимиз ушбу залдаги сўнгги пардозлаш ишларини кўриб, мутасаддиларга ўз тавсияларини берди.

Марказда 460 ўринли анжуманлар зали ҳам қуриб битказилди. Бу ерда турли халқро узрашувлар, анжуманлар ўтказиш учун барча шарт-шароит яратилган, энг сўнгги русумдаги техника воситалари билан жиҳозланган.

— Ўзбекистон улуг тарихга эга. Буюк аجدодларимиз томонидан яратилган илмий ва маданий ме-

рос инсоният тарихида ўчмас из қолдирган. Улар билан дунё ҳам-жамиятини хабардор қилишда ушбу марказнинг ўрни бекиёс бўлишига ишонаман, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мажмуада “Исломдан аввалги цивилизациялар”, “Биринчи Ренессанс даври”, “Иккинчи Ренессанс даври”, “Ўзбекистон XX асрда”, “Янги Ўзбекистон — янги Ренессанс” каби бўлимлар ташкил этилади. Мазкур даврлар тарихи турли ашёлар, кўлэзма манбалар, суратлар ва мультимедиа воситалари орқали намойиш этилган. Хоразмий, Фаргоний, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Бурхониддин Марғиноний, Маҳмуд Замахшарий, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо, Али Қушчи каби аллома ва мутафаккирларнинг серқирра фаолияти ҳақида маълумот берилган. Имом Бухорий, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Абу Муин Насафий, Қаф-фол Шоший, Абдулҳолик Ғаждувоний, Нахмиддин Кубро, Баҳауддин Нақшбанд, Ҳўжа Аҳрор Валий каби улаомларнинг ислом маърифатига қўшган ҳиссаси атрофича ёритилган.

Айни вақтда мажмуада Бибиҳоним, Хонзодабегим, Гавҳаршодбегим, Гўлбаданабегим, Нодирабегим, Увайсий, Анбар Отин каби тарихимизда чуқур из қолдирган машҳур аёлларнинг илм-маърифат ҳомийси сифатидаги фаолияти ҳам ўз ифодасини топган.

Марказда улуг аждодларимиз меросини чуқур тадқиқ қилиш, уни бугунги куннинг ўткир муаммоларига жавоб бера оладиган ҳаётбахш кучга айлантириш зарурлиги таъкидланди. Бунинг учун Ўзбекистон халқро исломшунослик академияси, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий номидаги ва бошқа халқро илмий-маърифий ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилади, замонавий таҳдидларга муносиб илмий жавоблар топиллади.

Давлатимиз раҳбари марказдаги бунёдкорликни юқори баҳолаб, унинг фаолиятини тўғри ташкил этиш, маъно-мазмунини бойитиб бориш юзасидан кўрсатмалар берди.

— Саккиз йил давомида бу ерда катта меҳнат қилинди. Шундай са-лобатли ва чуқур мазмунли марказ қурдик. Бу ерга келадиган меҳмонлар халқимизнинг бой тарихи, аждодларимиз билим ва тафаккурига тан беради, ўзига катта маънавий қувват олади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз марказга туташ ҳудудда барпо этилган савдо ва хизмат кўрсатиш иншоотлари билан ҳам танишди. Бу келгусида туризмни ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.

Зиёдулла ЖОМБЕКОВ,
Абдулазиз РУСТАМОВ,
ЎзА мухбирлари.

Комиссия йиғилиши

Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фон-ди маблагларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТГА
МОЛИК МУАММОЛАРГА
ЕЧИМ ИЗЛАБ

Унда жамоат фонди маблаглари ҳисобидан давлат ижтимоий буюртмаси танлов натижалари, фуқаролик жамияти институтларининг муурожаатлари ҳамда жойлардаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш борасидаги масалалар атрофича кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, жамоат фонди томонидан давлат ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш, ижтимоий ҳимоя, соғлиқни сақлаш, таълим, маданий меросни асраш, экологик барқарорлик ва жамоатчилик назорати соҳаларидаги ижтимоий буюртмалари учун умумий қиймати 24 млрд. сўмлик танлов эълон қилинган эди.

Ушбу танлов доирасида фуқаролик жамияти институтларидан 106 та ариза қабул қилинди. Парламент комиссияси ҳулосасига кўра, улардан 13 та лойиҳа ғолиб деб топилди. Энди бу лойиҳалар тегишли давлат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик тамойили асосида амалга оширилади. Асосийси, мазкур ташаббуслар орқали жамиятда мавжуд қатор ижтимоий аҳамиятга молик муаммоларга ечим топиш кўзда тутилган.

Мажлисида, шунингдек, амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижро ҳолати ва самарадорлиги, жамоат фонди маблагларини мақсадли сарфлаш, ҳудудларда сақланиб қолаётган муаммоларни ҳал этишда нодавлат нотихорат ташкилотларининг иштирокини қучайтириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Парламент комиссияси аъзолари ушбу жараёнда шаффофлик, ҳисобдорлик ва очиклики таъминлаш муҳимлигини таъкидлаб, жамоатчилик назоратли механизмларини янада мустаҳкамлаш зарурлигини қайд этди.

«Халқ сўзи».

«ХУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ ТЎҒРИСИДА»ГИ
ҚОНУН МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



Олий Мажлис Сенатининг Суд-хуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитасида “Хуқуқий эксперимент тўғрисида”ги қонун манфаатдор ташкилотлар, экспертлар, олим ва мутахассислар иштирокида муҳокама қилинди.

Сенат кўмитасида

Жараёнда таъкидланганидек, сўнгги йилларда янги тартиб-таомилларни ҳаётга жорий этишдан олдин уларни текланган ҳолда (муайян ҳудудда ёки шахслар, ташкилотлар доирасида) ҳуқуқий эксперимент (тажриба-синов) тарида қўллаш амалиёти кенгайиб бормоқда.

“Хуқуқий эксперимент” тушунчаси, уни ўтказиш ва натижаларини расмийлаштириш “Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 34-моддасида белгиланган. Хусусан, ушбу қонун билан

хуқуқий эксперимент натижалари бўйича харажатлар ва даромадлар таҳлили, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий натижалар прогнози қилиниши айтилган.

Таъкидлаш лозимки, ҳуқуқий эксперимент институти қонунда қайд этилган бўлса-да, уни ўтказиш билан боғлиқ ижтимоий-хуқуқий муносабатлар комплекс тарзда тартибга солинмаган.

Жумладан, эксперимент ўтказиш шартлари ва давоийлик мuddати, ҳуқуқий эксперимент жорий этиш мумкин

бўлмаган соҳалар, ҳуқуқий экспериментнинг юқори турви қонунларга номувофиқ бўлганда тартибга солиниши, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёзлар ҳамда маъмурий ҳужжатларнинг эксперимент туганидан кейин амал қилиш ёки қилмаслиги ёхуд жавобгарлик масалалари тартибга солинмаган.

Бугунги кунга қадар давлат бошқаруви, сайлов, солиқ, соғлиқни сақлаш, юридик хизматлар, уй-жой ва коммунал, инвестиция, хусусий мулк

ҳимояси, ёқилғи-мойлаш каби соҳалар ва тармоқларда 60 дан ортиқ экспериментлар ўтказилган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг барчаси ҳам долзарб эмас.

Эксперимент тартибида қабул қилинган ҳужжатларнинг барчасида уларнинг самарадорлигини баҳолаш мезонлари, кўрсаткичлари ва прогнозлари, 23 тасида эса ҳуқуқий экспериментни яқунлаш мuddатлари мавжуд эмас.

Мазкур қонун юқорида қайд этилган муаммоларни бартараф қилишга қаратилган бўлиб, тегишли чора-тадбирларни белгилашга йўналтирилган.

Қонун билан эксперимент ўтказиш мuddатлари, унинг ўтказилиши мумкин бўлмаган соҳалар, эксперимент ҳудудини белгилаш шартлари, ҳуқуқий эксперимент ўтказиш шакллари ва усуллари, шунингдек, унинг натижаларини баҳолаш тартиби ва расмийлаштириш бўйича талаблар белгиланмоқда.

«Халқ сўзи».

ИНСОНПАРВАРЛИК ИФОДАСИ

Дунёда ҳар бир инсон учун кимдир ёки нимадир қадрили: ота-она, фарзанд, ёру дўст, соғлиқ... Лекин ҳаётда билиб-билмай содир қилган жинояти учун жавоб бераётган — озодликдан маҳрум этилган киши учун эркинликдан-да қадрлироқ нарсанинг ўзи йўқ.

Бағрикенглик

Инсон ҳаётда билиб-билмай хатога йўл қўйиши мумкин. Шунинг учун ҳам ўз қилмишининг қонунга хилофлигини тўла-тўқис англаб, тузатиш йўлига ўтганини қатъий кўрсата олган шахсга ўз оиласи даврасига қайтиш, ижтимоий мослашиш имкониятини бериш, қисқача айтганда, унга жамиятга қайтишга рухсат берилиши халқимизнинг кеңиричилиги, раҳмдиллик ва бағрикенглик каби азалий қадриятларига хос. Қолаверса, инсоннинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият эканлиги Конституциямизда ҳам мустаҳкамланган.

Мустақиллик байрами арафасида Президентимиз 523 нафар маҳкумини афв этишга оид Фармонни имзолади. Улардан деярли 200 на-

фари жазодан бутунлай озод қилинди, қолганларининг мuddати ёки шартлари оsonлашди. Афв этилганлар орасида 8 нафар хорижлик, хусусан, Тожикистон ва Сьерра-Леоне фуқаролари бор. Фармон ижросини таъминлаш мақсадида прокуратура ва тегишли идоралар томонидан озод этилган шахсларни яшаш жойига етказиш, шунингдек, чет эл фуқароларини ўрнатилган тартибда ўз ватанига депортация қилиш ишлари ташкил этилди.

Барча афв этилганлар профилактика ва синов дафтарига жойлаштирилади. Уларга бир марталиқ моддий ёрдам, зарур қоларда — чуқурлаштирилган тиббий қўриқдан ўтиш ва даволашни, ишга жойлашиш, кредит ва субсидиялар олиш, шунингдек, фуқаролик ҳужжатлари-

ни расмийлаштириш ва пенсия олишда кўмак кўрсатилади.

Ха, бир неча ўнлаб инсон ўз оиласи бағрига, жамиятга қайтди. Уларга бундан буюн мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчиси бўлиш имконияти яратилди. Бу эса Президентимиз ташаббуси билан давлат ва жамиятнинг барча соҳасида амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар инсонпарварлик тамойилига асосланганини кўрсатувчи яна бир ёрқин далилдир.

Мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг шундай сатрлари бор:

Комил анга берди чу бу парвариш,
Айлади бир афв била мунча иш.

Дарҳақиқат, комил инсоннинг афв этиш билан амалга оширган бир иш минглаб инсонларни, улар атрофидаги яна қанча оила аъзоларини ҳаётга қайтарди. Шу нукта назардан, мустақиллигимизнинг 34 йиллиги муносабати билан қабул қилинган Президентимизнинг афв этиш

тўғрисидаги Фармони “Инсон қадрини улуғлаш” каби эзгу тамойилга асосан олиб борилаётган ислохотларнинг давоми, десак, айни ҳақиқатдир.

Инсон қадрини улуғлаш, ҳар бир кишига ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароитларни яратиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мезонига айланган.

Қилган қилмиши учун пушаймон бўлган, жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлиш истагини билдирган ва келажақда ҳар қандай ножўя қадам қўймаслик учун виждони олдига сўз берган фуқароларимиз афв этилди. Бу эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан давлат ва жамиятнинг барча соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар инсонпарварлик тамойилига асосланганини кўрсатувчи яна бир ёрқин далилдир.

Абдулҳаким ЭШМУРАТОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Суд-хуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси раиси.

«ЯШИЛ» КЕЛАЖАК
ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ
ТОМОН БОШЛАЁТГАН КУЧ

Бу йил мамлакатимиз мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллигини кенг нишонлаяпмиз. Ўтган даврда, айниқса, сўнгги саккиз йилда бошланган ислохотлар ва уларнинг дастлабки натижаларини табиатнинг “регенерация” ҳодисасига менгзаш мумкин. Жамиятнинг барча соҳа ва қисмларига қамраб олган бу янгиланишларга таъсир қўсатган “куч” — Президент Шавкат Мирзиёев.

Дунё ҳамжамияти Ўзбекистон экологик барқарорликка эришиш, иқлим ўзгаришига мослашиш, демократия, инсон ҳуқуқлари, гендер тенглик, тинчлик ва ҳавфсизлик, барқарор ривожланиш борасида ўта илгор ва фаол сиёсат юритиб, ибрат бўладиган даражада изчил ислохотларни амалга ошираётганини тан олмоқда.

Мушоҳада

Оролга қайтган ҳаёт

Аср фожиасига айланган Орол денгизининг қуриши бутун минтақа бўйлаб кенг қўламадаги ижтимоий-иқтисодий, экологик муаммоларга сабаб бўлди. Чекинган денгиз ўз ортидан улкан Оролқум чўлини, тузчанг шамолларини қолдирди. Теварак-атрофдаги ҳудудда яшаш бутунлай қийинлашиб қолди, ҳаёт издан чиқди. Бундай аянчли шароитни ўнглаш, ҳаётни изга тушириш мумкинлигига, очиги, қиминдир иштириб ҳам бўлмасди, ушанда.

Президентимизнинг қатъий иродаси табиатнинг ана шу улкан синовига ҳам бардош берди. Глобал исси муаммоси қучайиб, ёғингарчилик қамаётган бугунги асримизда Орол денгизини қутқариш бутунлай имконсиз бўлса-да, олимлар, экологлар, умуман, кенг жамоатчиликка қўйилмаган бошқа йўлни кўрсатди давлатимиз раҳбари. Бундай шароитда энг тўғри йўл — бордини асраб қолиш, фоҳиа тасвирини қамайтириш, одамлар ҳаётини оsonлаштириш эди.

Орол фожиаси ҳақида шу пайтгача ҳам қатта-қатта минбарларда айтиб келинган. Жуда кўп халқро ташкилотлар билан ҳамкорликда лойиҳалар ҳам ишлаб чиқилган. Лекин бир нарсани тан оlish керак: 2018 йилнинг кузига келибгина Оролда амалий ишлар бошланди.

Давлатимиз раҳбари Мўйноққа таширфи чоғида олимлар билан мاسлаҳатлашиб, у ерда шўрга чидамли ўсимликлар экиш вазифасини белгилаб берди.

Оролнинг суви қуриган ҳудудларда саксовул, қорабўрок, қандим, черкез каби чўл ўсимликларидан иборат “яшил қопламалар” — химёя ўрмонзорлари барпо этишга киришилди. Мустақилликнинг дастлабки 30 йилда Оролнинг қуриган тубида қарийб 300 — 325 минг гектарда ўрмонзор яратилган бўлса, сўнгги беш йилда Оролқумда қарийб 2 млн. гектар майдонда “яшил қоплама”лар ташкил қилинди.

Ўрмонзорлаштириш ишлари ҳозир ҳам мунтазам давом эттирилмоқда. Хар йили мингдан зиёд техникалар, 2000 нафаргача аҳоли, ишчи-ҳодим ва механизаторларнинг фидокорона меҳнати эвазига улкан майдон яшилликка бурканимоқда. Мухими, табиат тикланмоқда, ҳаёт изга тушмоқда.

Оролни қутқариш эмас, юз берган фожиага ечим топишнинг бу оқилона йўли бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг жамоатчиликнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатига, ҳар бир юртдошимизнинг қалб амрига айланади. Халқимиз бирилашди ва дунё жамоатчилиги кўз ўнгига денгиз ортидан чекинган ҳаёт яна изга тўша бошлади.

Бугун Мўйноққа борган инсон ана шу улкан меҳнатлар натижасини ўз кўзи билан кўриши мумкин. Яқиндагина аҳоли қўчи кетишдан бошқа илож қолмаган бу ҳудуд ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан бутунлай тикланди. Мавжуд табиий ва меҳнат ресурсларидан тўлиқ ҳамда самарали фойдаланиш йўлга қўйилди. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш эвазига аҳоли ҳаёт даражаси ва сифати сезиларли ошди.

Олам бўйлаб
қулоч ёйган ташаббус

Ўзбекистон океанлардан анча узоқда жойлашган ва биз учун тоза ҳавонини таъминлаб бериш, иқлимни мўтадиллаштиришнинг ягона манбаи, бу — дарахтлар. Юртимизнинг иқлим шароитида дарахт чиндан ҳам ҳаёт-мамот масаласидир. Буни бугун англаб етмасак, келажақда қутиладиган қатта хавфларга қарши ҳаракатни бугундан бошламасак, эртага кеч бўлиши тайин.

Шу маънода, Президентимиз ташаббуси билан бошланган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси табиатнинг қулайлигидан ана шу улкан синовига муносиб жавоб бўлди. Бу ҳаракат келажақ авлодлар олдидagi чинакам виждон ишига айланади.

Ушбу лойиҳа билан ҳар йили 200 млн. туپ дарахт ва бутта қўчаларини экиш, 2030 йилга қадар юртимизнинг яшиллик қопламасини 30 фоизга етказиш, ўрмон билан қопланганлик даражасини эса 8 фоиздан 15 фоизга етказишдек улғувроқ мақсадлар қўйилди.

Мана, ўтган тўрт йилнинг баҳор ва куз мавсумларида республика бўйича жами 872 млн. туپ бутта ва бошқа қўчалар экилди. Жорий йил баҳорги экиш вақтида маҳаллалар ва аҳоли томонларини атрофиди, дарё, канал, ариқ ва зовурлар бўйлариди, автомобиль йўли ва темир йўл четларидаги ҳудудларда жами 137 млн. туздан зиёд манзарали ва мевали дарахт қўчалари экилди.

Эътиборлики, улар қандай сугорилган, қандай парвартиланади — ҳамма-ҳаммаси ҳал этилмоқда. Мисол учун, жорий йилнинг ўзида янги экилган қўчаларни сугориш учун 90 та янги қудук қазилди, 478,4 км. масофада сугориш тармоқлари тортилди. Бу тизимни яратиш имкони бўлмаган ҳудудларда қўчаларни сугориш учун 460 та техника бириктирилди.

Хар бир мавсум бошланишида давлатимиз раҳбарининг ўзи бош бўлиб, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида дарахт экишда қатнашиди, бутун халқимиз учун намуна қўсади. Ўзбекистонга таширф буюрган хорижий мамлакатлар раҳбарлари, нуфузли ташкилотлар вакилларининг Президентимиз ҳамроҳлигида, албатта,

дарахт экиш ўзига хос аънава тусини олди. Бу Ўзбекистоннинг экологий ва атроф-муҳит муҳофазасига оид қатъий сиёсатини ифода этади.

«Яшил» иқтисодиёт — келажақ сари йўл

Кейинги пайтларда қаердадир табиий ресурсларни ўзлаштириш ё ишлаб чиқаришнинг қайсидир соҳасини йўлга қўйиш экологикнинг бузилишига, атроф-муҳит зарарланишига олиб келаётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Биз иқтисодий ривожланиш йўлидан борар эканмиз, бундай акс таъсирларга ё табиат инжиқликларига учраганда қандай чоралар кўряпмиз?

Айни шу ўринда Президентимиз оқилона йўл тўпти. Дунё қаёққа қараб кетяптики, табиат бизни нималарни ҳозирлаб қўйганини анча олдиндан кўра олди. Ўзбекистон иқтисодиётининг келажаги “яшил” энергия, сувдан оқилона фойдаланиш, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш эканини бундан етти йил муқаддам БМТ минбаридан туриб баралла айтиди. Орадан кўп ўтмай, бошланган эзгу саъй-ҳаракат ўз натижасини кўрсата бошлади.

2021 йилгача мамлакатимизда “яшил” энергетика улуши нолга тенг бўлган бўлса, икки йил ўтиб, 16 фоизга етказилди. Қисқа даврда 16 фоизга етказиш — бу ҳазилкам иш эмас. Бу рақамлар Ўзбекистоннинг бугунги “яшил” иқтисодиётини янада ёрқин ифода этади. 2025 йил якунигача 12 та қуёш ва 4 та шамол электр станцияси, 12 та энергия сақлаш тизимини ишга тушириш мўйлакланмоқда.

Мамлакатимизда энергия қуввати ишлаб чиқаришнинг 86 фоизи иссиқлик электр станциялари ҳиссасига тўғриси қилинган. Ушбу ИЭСларда йилга 17 млрд. метр куб табиий газ сарфланмоқда. Ваҳоланки, шунча газни қўшишга қиймат яратиш жараёнига йўналтириш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий муаммоларни ҳам ҳал этиш имкониятига йўл очади.

Сўнгги йилларда юртимизда 3,5 ГВт қувватга эга 16 та қуёш ва шамол электр станцияси, 160 МВт қувватга эга 5 та гидро-электр станцияи ҳамда 1,8 ГВт қувватга эга

энергия сақлаш тизимлари ишга туширилди. Бу янги иш ўринлари, қафолланган даромад ва аҳоли фаровонлигининг ошиши билан бирга атмосфера ҳавосининг тоза бўлишига хизмат қилаётир.

Дунё эътирофи

Президентимиз 2023 йил 18 октябрь куни Пекин шаҳрида бўлиб ўтган “Бир макон, бир йўл” халқро форумида Марказий Осиёда “яшил” тараққиёт соҳасидаги мақсадларга эришиш йўлида фирм алмашиб ва саъй-ҳаракатларни бирлаштириш учун Самарқанд халқро иқлим форумини ўтказиш ташаббуси билан чиққан эди.

Ўзбекистондаги аномал об-ҳаво шароитлари, тез-тез юз бераётган қурғоқчилик ва чанг буронлари, ерларнинг шиддат билан дерадацияга учраши ва чўлланishi, биохимия-хилликнинг қамайиши қўринишида намоён бўлаётган мураккаб экологик вазиятга тўхталиб, Марказий Осиё ҳаёндаги иқлим ўзгариши оқибатларидан энг кўп зарар кўраётган минтақалардан бири эканини қайд этганди.

Мамлакатимиз етакчисининг нақадар узоқни кўра олиши ва минтақадаги мавжуд экологик вазиятга халқро жамоатчилик эътиборини қарата олгани боис ҳам бу ташаббус Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби Антониу Гутерриш, давлат ва ҳукуматлар етакчилари, халқро ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланди. Самарқандда илк бор Халқро иқлим форуми ўтказилди. Мана шу катта воқеанинг ўзи Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон иқлим муаммоларини ҳал қилиш борасида қатъий позицияда эканини кўрсатди.

Мазкур йирик анжуман давомида Ўзбекистоннинг экологик барқарорлик, “яшил” иқтисодий тараққиёт ва иқлим ўзгаришига қарши

курашишдаги қатъий позицияси юксак эътироф этилди. Айнан давлатимиз раҳбари томонидан тақдим қилинган Марказий Осиёда иқлим ўзгаришига мослашиш стратегияси бир овоздан маъқулланди.

Президентимиз томонидан БМТнинг юксак минбаридан туриб умумбаҳарий экологик муаммоларни ҳамкорликда ҳал этиш борасида билдирган ташаббуслари эвазига 12 та резолюция қабул қилинди. Бу эса мамлакатларнинг барқарор ривожланишида муҳим ҳуқуқий асос вазифасини бажаряпти.

Мазкур резолюцияларнинг 5 таси экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган бўлиб, улар миллий қонунчиликни халқро стандартлар билан уйғунлаштиришга замин яратмоқда.

Шу йилнинг май ойида БМТнинг собиқ Бош қотиби, Глобал яшил ўсиш институти ассамблеяси президенти Пан Ги Мун билан учрашганида унинг қўйидаги сифати эътиборини тортди: “Мен Бош қотиб фикрида фаолият бошлаганимга қадар БМТда экологик масалалар, айниқса, иқлим ўзгариши масалаларига одатий масала сифатида қараб эди. Фаолиятим давомида экологияга кўпроқ эътибор қаратишга ҳаракат қилдим. Аммо Президент Шавкат Мирзиёевга раҳмат, экология ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ долзарб масалаларга бутун дунё эътиборини қарата олган ва бу соҳада доимий ташаббуслар қўсраётган қадмдан қадм давлат раҳбарларидан биридир. Биргина Орол муаммоси мисолида дунё ҳамжамияти нигоҳини экологик масалалар томон бурди. Ўзбекистон ва унинг раҳбари бу борада дунёга намуна кўрсатмоқда”, деди у. Бу, шубҳасиз, сўнгги йилларда Ўзбекистонда ортага қайтмас тус олган демократик ислохотларнинг амалий натижаси эътирофидир.

Абдушуккур ҲАМЗАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари.

КЎЁШ ЮРТИ ХОРАЗМ

«Хоразм дунё цивилизацияси ва маданиятига

бебаҳо ҳисса қўшган Шарқ гавҳаридир.

Бу кўҳна юрт жаҳонга донғи кетган не-не олиму фозиллар, саркарда ва султонлар, азиз авлиёлар, бетакрор шоир ва ҳофизлар ватанидир».

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Хоразм...

Тарихи минг турли афсонаю ривоятлар билан чулғанган, Марказий Осиёдаги икки буюк саҳро — Қорақум ва Қизилқум ўртасида ястаниб ётган қадимий юрт.

Авестонинг “Яшт” қисмида “Минг ирмоқли дарё”, “Кўллар ва ўтлоқларга бой ўлка” сифатида мадҳ этилган; Зардуштида Хваризем, эски форсийчада Уваразмис, лотинчада Хорасмия, юнончада Хоразмия, арабчада Хворазм, яна бир жойда “Куёшли ер”, бошқа жойда “Куёшли ўлка” дейилмиш оқсон будуннинг нуруний минтақаси.

Беҳистун битикларида, Геродот, Гекатей асарларида қайта-қайта зикр этилган, Зардуштийлар ҳосилдорлик маъбуди Анахита дея таърифлаган, милоддан аввалги тўртинчи асрнинг иккинчи ярмидаёқ мустақил давлат сифатида етти иқлим тан берган довруқли салтанат; бир замонлар Фарғонадан Грузия худудларига қадар, Қозоғистон чўлларидад Хинд океани соҳилларигагча эгаменлик қилган кудратли империя.

Дам гуркураб ривожланган, дам оғир инқирозларни бошидан кечирган бу замин ўз бошидан нималарни ўтказмадию нималарни кўрмади, дейсиз? Искандардан Дорогача, Пётрдан Шўрогача дунёга келган босқинчи зоти бори, ҳаммаси Хоразм заминига кўз олайтирди. Хоразм халқи, унинг мард ва баҳодир саркардалари асрлар давомида ғанимларга қарши мардона курашдилар, бирда енгдилар, бирда енгилдилар, бирда эгдилар, бирда эгилдилар, аммо ҳеч қачон синган эмас.

Ёғиларни зир титратган, Чингизхондек буюк ҳукмдорни “Жалолиддин Мангубердидек қаҳрамон фарзанди бор ота нақадар бахтлидир”, дея тан олишга, ҳавас ва ҳасад қилишга мажбур этган ҳақиқий халқ қаҳрамони эди Жалолиддин Мангуберди.

Чингизхоннинг юқоридаги сўзларини орадан неча юз байорлар неча юз қишлар ўтгач, шу йилнинг июнь ойида Хоразмда бўлган Мўғулстон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух яна бир бор тасдиқлади.

— Биз тарихдан биламизки, Чингизхон Хоразм саркардаси Жалолиддин Мангубердининг жангдаги жасоратини қўриб, “Агар ўнта ўғлим бўлса, битта Жалолиддинга алмашардим!” дея битта хоразмлик йигитни ўнта мўғулга тенглаштирган, — деди Мўғулстон Президенти. — Бу тарихий ҳақиқат. У дунё тарихчилари томонидан ҳам тасдиқланган, ҳам тан олинган. Мен бу заминни ун кўн давомида зиёрат қилар эканман, Хоразмнинг тарихий обидалари, осориёткалари, маданияти, санъати, аҳолисининг меҳмондўстлигини кўриб, бунга амин бўлдим, — дея тан берди олиймақом меҳмон.



Ҳа, 11 йил мўғул босқинчиларига қарши курашган, 32 йиллик умрида 300 дан ортиқ жангларда иштирок этиб, душманларга қақшатиқ зарбалар берган паҳлавон саркарда, ботирларнинг Ботири, мардларнинг Марди, алпларнинг Алпи эди Султон Жалолиддин Мангуберди.

Ватан мустақиллик туфайли қаҳрамонлиги афсоналарга айланиб кетган саркардининг хотирасини абадийлаштиришга алоҳида эътибор берилди. Давлатимизнинг юксак мукофотларидан бири — Жалолиддин Мангуберди ордени таъсис этилди. У ҳақда кинолар яратилди, шеърю дostonлар ёзилди. Урганч шаҳрининг қоқ белида улкан мажмуа бунёд қилинди. Мажмуа ўртасига саркардининг бўйи 25 метрни ташкил этган салобатли ҳайкали ўрнатилди. Ҳайкал ёнига Жалолиддин Мангуберди битиктошнинг нусхаси қўйилди. Эрон худудидан келтирилган, оғирлиги 32 килограмм, баландлиги 30 сантиметр бўлган бу тошда Қуръони карим оятлари, Жалолиддин Мангуберди шарҳаси ёзилган.

Мазкур ёдгорлик мажмуасини бунёд этиш гоёси 2018 йилда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган эди. Муборак ташаббус хоразмликлар томонидан қўлаб-қувватланди. Қисқа даврда қарийб 8 гектарлик худуд бутунлай янги-дан бунёд этилди. Бу ерга 18 мингга яқин манзарали даррахт кўчатлари, гуллар экилди. Шаҳарнинг марказий майдони остидад ўтадиган, тўрт қаторли, узунлиги 500 метр бўлган ноёб автомобиль туннели ишга туширилди.

2022 йилнинг 29 август куни эса ёдгорлик мажмуасининг тантанали очилиш маросими бўлди.

— Чақмоқдек қисқа умри мобайнида ўзбек халқига хос бўлган Ватанга чексиз муҳаббат ва садоқат, юксак ҳарбий салоҳиятни намоён этиб яшган Жалолиддин Мангуберди каби буюк аждодларимиз билан ҳар қанча фахрлансак, гурурлансак, арзийди, — деди мамлакатимиз раҳбари ҳайкалнинг очилиш маросимида. — Ишончман, орадан йиллар, асрлар ўтади, Султон Жалолиддин ҳамиша юртимизни қўз қорачигидек асраб-авайлаш, унга фарзандлик меҳри, иймон-этиқод билан хизмат қилишининг ўчмас тимсоли бўлиб қолади.

Шундай бўлди!

Бир кўлида унқур тулпор жиловини маҳкам тутиб, иккинчи кўлида ўткир қиличини баянд кўтарганча Ватан ҳимоясига отланган Жалолиддин Мангуберди даҳоси эндиликда минг-минглаб қалбарни азим дарё — Жайхун мисоли она Ватанга меҳру муҳаббат туйғулари билан тўлдирмоқда.

Ҳайкалнинг очилиш кунида Президентимиз яна бир хайрли ишга бош бўлди.

— Бугунги замонавий илм-фаннинг, электрон кашфиётларнинг туб замини Ал-Хоразмий бобо-

мизнинг мислсиз илмий мероси билан боғлиқ. Биз бу билан нафақат фахрланамиз, балки унга муносиб бўлишимиз керак. Шунинг учун Урганч шаҳрида буюк олим номин билан аталадиган алоҳида шаҳарча барпо этишга қарор қилдик, — деди ўшанда.

Давлат раҳбарининг шу сўзларидан кейин Урганч халқаро аэропортга ёндош 130 гектарлик майдонда Ал-Хоразмий шаҳарчасига пойдевор қўйилди. Қурилишга давлат ҳазинасидан 500 миллиард сўм ажратилди.

Шаҳарчада 104 та кўп қаватли уй, Ал-Хоразмий номидаги янги университет, истеъдодли болалар учун ихтисослаштирилган мактаб, технопарк, офислар, инновация ва маданий марказлар, мактаб ва боғчалар, спорт мажмуалари бунёд этилмоқда.

Ҳозирга қадар бу ерда 72 та уй қуриб битказилди, яна 40 та уйга бугун-эрта бахтиёр одамлар кўчиб қиради. Ҳайкалтарош Баҳром Норбоев аллома бобомиз Мухаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг улғувор сиймосини яратди. Ҳадемай буюк бобомизнинг муаззам ҳайкали шаҳарча ўртасида, терак бўйи баландликда, азамат чинор каби фалак билан бўйлашиб туради.

Самолётдан тушиб, шаҳарга қадам қўйган меҳмонлар дастлаб Ал-Хоразмий даҳосига ҳурмат бажо келтирадилар, кейин эса жаҳон илму фани тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган Хоразм алломалари ҳузурига йўл оладилар. Хоразм эса даҳолар ўлкасидир.



Христофор Колумбдан беш юз йил олдин Атлантика уммони ортида қуруқлик, номаълум қутъа, яъни Америка борлигини айтиб, Ернинг айлана шаклидаги харитасини яратган Абу Райхон Беруний, араб тилининг мукаммал қонун-қоидаларини ишлаб чиққан, бутун мусулмон оламида Жоруллоҳ — Аллоҳнинг қўншиси деган номга сазовор бўлган, сўзларни алифбо бўйича жойлаштириш усулини кашф этиб, Ўрта асрларнинг буюк лексикографи сифатида тан олинган ва асарлари араб мамлакатларида ҳозир ҳам қўлланма сифатида хизмат қилиб келаётган Маҳмуд Замаҳшарий, Наҳмиддин Қубро, Пахлавон Маҳмуд, Бурхониддин Рабғузӣй, Ҳайдар Хоразмий, Сайфи Сароӣй, Роқим, Насимий, Андалиб, Оғаҳӣй ва...

Бебаҳо илм маскани — Маъмун академиясининг ўзи бир дунё...

Бу академия X-XI асрларда Афинадаги “Платон”, Бағдоддаги “Байт ул-ҳикмат” академиялари каби жаҳонга машҳур илмий даргоҳо эди. Бу ерда мавжуд барча диний ва дунёвий фанлар бўйича тадқиқот ва изланишлар олиб борилгани, мингмиглаб бебаҳо манбалар ҳазина янглиғ очилгани ҳам жаҳонга аён. Бу ерда ҳинд, юнон, араб олимларининг ишлари ўрганилган, “Батлимух соний” — “Иккинчи Птолемей” деган фахрий ном олган Абу Наср ибн Ироқ, матемтик, фалсафадан ташқари табобатда ҳам жуда машҳур бўлгани боис “Букрофи соний” — “Иккинчи Гиппократ” шарафига муносиб қўрилган Абулхайр ибн Ҳаммор каби алломалар академия раҳбари Абу Райхон Беруний билан ёнма-ён меҳнат қилганлар.

“Қадимги хоразмликлар астрономия илмини араблардан яхшироқ билганлар, деб ёзади Беруний ўзининг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида. Бу фани “ахтарвеник” — “юлдўшўнослик” деб атаганлар, дейди яна олим хоразмликлар ҳақида тўқилгани.

Мазкур маълумотлар археологик тадқиқотлар натижаларида тасдиқланган. Чунонки, Тупроққалъа саройини қазиб пайтида милодий III-IV асрларга оид, лойдан ясалган астрономик асбоблар топилган. Бу эса ўша даврларда Хоразмда муҳим астрономик кузатувлар олиб борилганидан далолат беради. Ҳатто Қўйқирилган қалъада расадхона бўлган, деган таҳминлар ҳам мавжуд. Маъмун академиясида яратилган илмий гоғлар, математика, астрономия, тригонометрияга оид тадқиқотлар жаҳонда илм-фан тараққиётига катта таъсир кўрсатибгина қолмай, балки янги дунёни очишда ҳам улкан роль ўйнади, Европа тараққиётига жуда катта ёрдам берди ва жаҳон фани ҳамда маданиятини нинг юксалишига улкан таъсир кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида”ги Фармонидан сўнг академия қадимги макеини яна тиклай бошлади. Илм даргоҳи таъники олимлар, фан арбоблари, жаҳоннинг машҳур академиялари билан мустаҳкам алоқа ўрнатди. Алқисса, академия халқаро илмий анжуманлар ўтказиладиган масканга айланди.

Мўътабар манзилни янада кўркам ва обод қилиш йўлидаги ишлар эса давом этмоқда. Ҳадемай академия биноси олдидаги 2 гектарлик боғ “Буюк алломалар” номли очик осмон остидаги “смарт” музейига айлантирилди. Хоразм юртида камол топган буюк алломаларнинг ибратли ҳаёт йўли, бой ижодий мероси бир неча хорижий тилларда интерфаол усулда сайёҳларга тақдим этилади.

Вилоятда ёш авлодни улўф бобокалонлар руҳида тарбиялаш, уларнинг ўқиш-ўрганишлари учун керакли шарт-шароитларни яратишга бўлган эътибор ҳам тобора кучайиб бормоқда.

2 мингдан зиёд мактабгача таълим ташкилотлари, 555 та умумтаълим мактаби фаолият юритапти бугун Хоразмда. Таълим қамрови 82,9 фоизга етди. 2018 йилда бу кўрсаткич 27 фоиз эди. Бундан ташқари, 25 та касб-ҳунар мактаби, 13 та техникум, 7 та коллеж, 4 та академик лицей ёшлар иштиёрида. 8 та олийгоҳда таҳсил олаётган талабалар сони эса 54 мингга яқин. 2016 йилда олий таълим муассасаларининг сони

3 та бўлиб, уларда 8,5 минг нафар талаба учун ўқиш имкони бор эди, холос.

Вақти келиб, бу ёшлар орасидан Берунийлар, Хоразмийлар, Замаҳшарийлар ва Ошиқ Ойдин, Феруз, Бола бахши, Ожиза каби олимлару фозиллар, созандаю хонандалар етишиб чиқса, не ажаб!



Хоразмни — Хоразм санъатисиз тасаввур қилиш қийин.

Хоразм мақоми, рақслари, бахшилари, халфаларини эслаганиннг ҳамоно дилингизда ўзгача шукҳу уйғонади. Хоразм Шашмақомининг бизгача етиб келган шакли — олти мақом (Рост, Бузрук, Наво, Дугоҳ, Согоҳ, Ироқ) тизими эса дунёда йўқ. Мақом санъати азалдан кўз қорачигидек асралган Хоразмда. Ҳўқмдорлар махсус қарорлар чиқарган, фармонлар чиқарган. 1882 йилда қабул қилинган ҳужжатларнинг бирида шундай сўзлар бор: “Бизким Хоразм мамлакатининг Олий ҳокони Мухаммад Раҳимхон Соний қўйдаги Фармони олийга имзо чекдик. Хоразм мақомлари халқнинг дахлсиз мулки деб эълон қилинсин. Ушбу Фармони олийга шак келтирган ва мақомларни камситган, ёйинки у(лар)ни бузиб ижро этган кимсалар қаттиқ жазолансин”.

“Чағаллоқ”, “Норим-норим”, “Оразибон”, “Лазги”... Буларнинг ҳар бири бетакрор мўъжиза! Бола бахши, Ошиқ Ойдин, Ҷуманазар бахши, Қаландар бахши “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Авазхон”, “Сайёдхон ва Ҳамро”, “Қорақўз Ойим”, “Гулрўх пари” каби халқ дostonларини қўйлаганда: Хонимхон халфа, Онаҳон халфа, Бибиҳон халфа, Шарифа халфанинг жарангдор овозини эшитганда; Ҳожиҳон Болтаев, Қомилхон Отаниёзов, Қоммуна Исмоилова, Ортиқ Отажонов, Олмаҳон Ҳайитованинг қўшиқларини тинглаганда сел бўлмаслиқнинг борми илоҳи?

Санъатда эътибор йилдан-йилга кучайиб бораётгани аняам қувончи. Вилоятда мусиқа мактаблари, театрлар очилди, “Устоз — шоғирд” аъанаси йўлга қўйилди. “Лазги” халқаро ракс фестивали, Халқаро бахшчилик санъати фестивали каби халқаро анжуманлар ўтказилди. “Лазги” оҳанглари қадим Хиванинг афсонавий миноралари узра акс садо берганда, жаҳоннинг турли бурчакларидан келган сайёҳлар қанчалар ҳаяжонга тушганини сўз билан ифодалаш қийин. Зеро, Хива ўзининг неча минг йиллик тарихида ҳеч қачон кўрмаган эди бундай гўзал байрамларни.



Хива жаҳондаги энг қадимий шаҳарлардан бири, дейилади. Бу рост. Аммо унинг қачон дунёга келгани, неча ёзда экани, гарчанд 2500 йиллиги нишонланган эса-да, ҳали-ҳануз аниқ-тиник маълум эмас.

XVII асрда яшаган тарихчи Худойберди бин Аваз Мухаммаднинг ёзишича, шаҳарнинг асл номи Рамл бўлиб, қумлоқ деган маънони билдиради. Кейинчалик бу ном Хейваб, ундан кейин Хивага айланеди.

Шаҳар Хоразмдан Хуросонга бориладиган муҳим савдо йўлида жойлашгани учун Ўрта Шарқ, Марказий Осиё ва Волга бўйидаги кўпгина шаҳарларнинг ўзaro боғланишида муҳим роль ўйнаган. Ғарбий Эрон, Озарбайжон, Ироқ, Самарқанд, Ҳирот каби давлатларда зарб қилинган 147 та тангадан иборат ҳазинанинг топилгани бу заминда азалдан савдо алоқалари ривожлангани ва пул муносабатлари бўлганидан дарак беради. Шу боис Хива Хоразмда деҳқончилик, саноат, тўқувчилик ривожланишига катта туртки берган шаҳар ҳисобланади. XVIII асрнинг 70-йилларида Хивага келган Ф. Ефримов ёзадики, Хивада жуда кўп миқдорда пахта иги йиғирилади, ундан қалава ҳосил қилинади, қалавадан эса чодир, доқа, қалин мато тўқилади, Россияда булардан хом сурп, гулчи чит, ола-була газ-моллар, тўр, бурмет, бўз ва бошқа турли матолар олинди ва бошқа давлатларга юбориладди.

Ҳамиша босқинчиларнинг қўзини ўйнатган Хива асрлар давомида юзлаб талаётларни бошидан ўтказди. Курашларда тобланган шаҳар ўсиб-юксалиб “Индир гўмбаз шаҳри” номини олди. Бетакрор ва нодир қиёфаси билан Марказий Осиёда тенгсиз шаҳарга айланди.

Бу ердаги Тош дарвоза, Ота дарвоза, Сайид Аловуддин макбараси, Пахлавон Маҳмуд мазморий мажмуаси, Араб Мухаммадхон мадрасаси, Қўҳна Арқ қалъаси, Тош ховли, Карвонсарой, Нуриллабой саройи, Калтаминор, Ислом Хожа мадрасаси каби обидалар ҳануз дунё ахлини ҳайратга солиб келмоқда.

Хоразм худудидаги 260 дан зиёд маданий мерос объектларининг гавҳари ҳам Хивадир. Унинг очик осмон остидаги музей деб ном олган “Ичан қалъа” мажмуаси умумбашариёт ҳазинаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатиغا киритилган. Хива 2020 йилда Туркий дунёнинг маданий пойтахти деб эълон қилинди, 2024 йилда эса Ислом дунёсининг туризм пойтахти бўлди.

Бозорлари Хоразм қовунлари, Амударёдан янги тутиб келтириб қовурилган балиқлари билан ном қозонган Хива сўнгги ўн йилда йигитлардек ёшарди. Яшаришининг сабаби — қадим кўрғон ичида ва унга ёндош худудда яна бир замонавий кўрғон — “Арда Хива” шаҳри қад рoстлади. Бир томони 150 гектарли Говуқўлга туташиб кетган “Арда Хива”да қисқа фурсатда 17 та меҳмонхона, 9 та ресторан, 3 минг ўринли амфитеатр, 5 та кино ва концерт зали, кўрғазмалар павильони, 70 та дўкон, 300 та савдо растаси, 11 та хунармандлар уйи ишга туширилиб, 2 мингта иш ўрни яратилди. Яна бир хушхабар — Хива туманидаги 2 400 гектар ер Хива шаҳрига ўтказилиб, бу ерда “Сахро юлдузи” туристик мажмуаси бунёд этилмоқда. Ҳадемай Ичан қалъа тарихий, “Арда Хива” эса Хоразмнинг замонавий “таширф қоғози”га айланади.

Сўнгги йилларда Хивага пўлат излар ётқизи-либ, замонавий вокзал қурилиб, Бухоро — Урганч — Хива темир йўлининг тўлиқ электрлаштирилгани ҳам унутилмас воқеадир.

Яқин келажақда эса шаҳарга “Жалолиддин Мангуберди” номли Тошкент — Хива теъзорар поезди келади.

— Президентимиз Хоразмни уйғотди, Хоразмга янги Ўзбекистонини олиб кирди, — дейди халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши депутати, “Дўстлик” ордени соҳиби Райимбой Шержонов. — Ҳар гал келганларида заминимизни обод, дастур-

хонимизни тўкин қилиш, йирик қурилишларни амалга ошириш учун қатор-қатор ташаббуслар ва катта-катта маблағлар олиб келади. Виждон билан айтсам, охириги 8-9 йил давомида Хоразм заминида гулга кирган боғларнинг ҳаммаси Президентимиз ташрифларининг меваларидир.



Мамлакат раҳбарининг ўзини ҳам, бошқаларни ҳам тинчтимаслиги, бугун кечагидан, эртага бугунгидан шиддатлироқ интилишга, изланишга, меҳнат қилишга даъвати ҳамда барча жабҳада шахсий ибрат-намуна кўрсатиши жонажон Ўзбекистонимизнинг қундан-қун чирой очилишга сабаб бўлаётгани, кексаю ёшнинг вужудига дарё-дарё илҳом бағишлаётгани аён ҳақиқат.

Йўлбошчинг доно бўлса, ўзогинг яқин, манзилнинг обод, режаларнинг бутун бўлади. Хоразмликларнинг 2025 — 2030 йилларга мўлжалланган режалари ҳам аниқ ва ишончли. Вилоятнинг жамики овул-туманлари 4-5 йилдан сўнг қандай кўриниш касб этиши моҳир муҳирлар соҳибининг ноёб асаридек аниқ тасвирланган режаларда. Биргина мақолада уларга батафсил тўхталишнинг илоҳи йўқ, албатта. Шу боис айримларига эътибор қаратамиз.

Жорий йил ноябрь ойида худудда янги куёш электр станцияси ишга тушади. 177 гектар майдонда жойлашган мазкур станция ишга тушгач, йилга 240 гигаватт-соатдан ортиқ қайта тикланувчи энергия ишлаб чиқаради. Натижада йилга 230 минг тоннадан зиёд карбонат ангидрид чиқиндиларини қамайтириш ва 60 мингга яқин уйлари тоза энергия билан таъминлаш имкони пайдо бўлади.

Кўшқўпирда 175 гектар ер саноат зонасига қўшилиб, 1 млрд. долларлик лойиҳаларга йўл очилади. У ерда электротехника, кимё, машинасозлик ва фармацевтика йўналишида 2 мингта иш ўрни яратилади.

Шовот каналининг ҳимоя зонаси 50 метрдан 25 метрга қисқартирилиб, 30 млн. долларлик лойиҳалар амалга оширилиб, 1 трлн. сўмлик хизматлар кўрсатилади ва 2,5 мингта янги иш ўрни пайдо бўлади. Ғазоват ва Полвон каналлари атрофида ҳам 50 млн. долларлик лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда.

Кўшқўпирда паррандачилик, Боготда балиқчилик, Янгирарида полиз, шoли ва балиқ етиштириш бир неча баробар кўпаяди.

Эроннинг балиқчиликка ихтисослаштирилган “Bevza Feed Mill” (BFM Group) компанияси қиймати 25 млн. долларга тенг балиқчилик кластерини барпо этади.

Хитой “йи санаоти” таърибаси асосида Богот, Янгиярик, Янгибозор, Қўшқўпир, Урганч туманларида жун ва пиллани қайта ишлаш, Ҳазорасп, Хива, Тупроққалъа ва Хонқада гилам тўқиш хозиргидан да оммалашади. Ипақчилик ва гиламчилик кооперациялари сафи кенгайиб, хонадонларда энг замонавий ихчам ускуналар ўрнатилади. Бунга 100 млн. сўмгача гаровсиз кредит берилаётгани янада аҳамиятлидир.

Аёнки, Хоразмнинг асосий драйверидан бири туризмдир. Сайёҳликни ривожлантириш бўйича 3 йиллик дастур тузилган. Дастурга асосан, сайёҳларга бир йил давомида чекловсиз Хоразмга кириш учун “Ўзбекистон — менинг иккинчи уйим” виза тизими жорий қилинади. Урганч шаҳрида “Лазги” ва “Авесто” музейи ташкил қилинади. Меҳмонхона ва дам олиш масканлари қуриш, мавжуд ўринларни кўпайтириш учун имтиёзли кредитлар берилади. Бу орқали Хоразмга хорижий туристлар оқимини 1 млн.га, маҳаллий сайёҳларни 4 млн.га етказиб, 20 минг иш ўрни яратиш имконияти пайдо бўлади.

Сайёҳлар ва аҳолига қулайликлар яратиш учун Урганч — Хива троллейбус қатновининг оралиқ вақти қисқартирилди. Урганчдан Хива ва Хонқага электробус қатнови йўлга қўйилади.



Хоразмдан гап кетганда, бу заминда униб-ўсувчи қовунлар — бетакрор таъми, ўзгача хид ва кўриниши билан дунёда донг таратган қовунлар ҳақида сўзламаслик асло мумкин эмас. Ҳай-ҳай, Худойимнинг бу неъматлари-я. Қандай таърифлашни билмайсан, киши. “Тулоби” ўзининг нафис ифори билан инсонни маст қилса, “Қизил қовун” қўшининг парчаси каби товланади. “Қиличбой бе-шак”, “Қарикчи”, “Тўя қовун”, “Тўёна”, “Бўриқалла” антиқа ранг ва шакли билан ажралиб туради, “Ола замча”, “Хоразм оқ новототи”нинг ҳар бўлаги асал, асалдан-да тотли, мазали.

Айниқса, “Гурвак”. Хоразм қовунчилигининг рамзи ҳисобланмиш “гурвак”нинг Ер юзида ўхшаши ҳам, муқобили ҳам йўқ. Уни бир марта тўйиб истеъмол қилсангиз, тарқибидига моддалар танангизда бир йил, таъми эса тилингизда йиллар давомида сақланиб қолади. “Гурвак” ёз ойининг ўрталарида етилиб пишади ва санокли қунаргига истеъмолда бўлади. Уни бир-икки ойдан ортиқ сақлаб бўлмайди. Шуниси чатоқда, тўғрими?..

Президентимиз ташаббуси билан Хоразм қовунчилик мактабини қайта тиклаш, воҳа тупроғи ва иқлим шароитига мос, экспортбop навларни кўпайтириш мақсадида Урганч давлат университети қошида қовунчилик маркази ташкил этилди, полизчилик йўналишида мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди. Кейинги йилларда воҳада қовунни иссиқхона ҳамда очик далаларда етиштириш бўйича илмий кластер ташкил қилинмоқда.

Ҳар йилнинг август ойида Хивада халқаро “Қовун сайли” фестивалини ўтказиш эса анянага айланади.

Уч кун давом этган сайил бу йил “Арда Хива” мажмуасида ўтказилди. Чиройли қилиб терилган, баландлиги қадим меъморий обидалар билан беллашадиган қовунларни етиштирган деҳқонлар меҳнатларига яраша даромад олишмоқда.

Уттан йили боготлик Мурод Яматутов илк бор Буюк Британияга қовун экспорт қилди. Япония, Жанубий Корея каби давлатларга қовун мураббоси, қовун уруғи экспорт қилаётганлар сони тобора кўпайиб бораётгани ҳам лоф эмас, факт. Улар бир йилда хорижга салкам 1 млн. долларлик қовун уруғи сотишди. Бундай ютуқлар ўз-ўзидан келмаслиги аён. Хусусан, Хоразм шароитида. Воҳада



Абдусамд КҶЧИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати аъзosi,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

суғорадиган сув ҳам, ичимлик суви ҳам бирдай муаммо

ШХТ саммити:

ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНИШ ПЛАТФОРМАСИ

Шу йилнинг 31 август — 1 сентябрь кунлари Хитой Халқ Республикасининг Тяньцзинь шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг навбатдаги саммити ўтказилади. Саммитда тузилмага аъзо давлатлар раҳбарлари сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликнинг кенг қўлмали долзарб масалаларини кўриб чиқади. Йирик халқаро тадбирда қузатувчи давлатлар раҳбарлари ва мулоқот бўйича ҳамкор мамлакатлар раҳбарларининг ҳам иштирок этиши кўзда тутилган.

Нуктаи назар

ШХТ ўзининг салкам 25 йиллик ривожланиш давомида давлат раҳбарлари учрашувларининг минтақавий механизмидан энг йирик кенг қамровли халқаро ташкилотга айланди. “Катта ШХТ оиласи” аъзолари сони ортиб бораётгани бунинг яққол исботидир. Остонада бўлиб ўтган ШХТ саммитида Беларусунинг ташкилотга аъзо бўлиши тўғрисида қарор қабул қилинди ва шу тариқа ШХТга аъзо давлатлар сони тарихий икки рақамли ютқуқа эришди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг энг муҳим ютуғи унинг генетик коди бу “Шанхай руҳи”дир. У ўзаро ҳурмат, ўзаро ишонч, тенглик, маслаҳатлашувлар, маданиятлар хилмахиллигини ҳурмат қилиш ва биргаликда ривожланишга интилишни англатади. Ушбу концепция ШХТни минтақавий ташкилотдан тўлақонли халқаро тузилмага айлантирди. Ташкилотнинг мана шу олпти-та асосий принциплари бошқа давлатлар учун ҳам жалб этувчи омил бўлиб хизмат қилад

ди. Йилдан-йилга ушбу ташкилотга қўшилишга тайёр бўлган давлатлар сони ортиб бормоқда. У ҳарбий блок эмас, учинчи даражадагига қарши қаратилмаган. Ташкилотнинг муваффақияти ҳам шунда. Ер юзи аҳолисининг ярмини, Евроосиё қитъасининг 65 фоизини, бутун жаҳон иқтисодиётининг 25 фоизини ва бошқа қўллаб-қўрғаткичларни ўз ичига олган тўлақонли халқаро ташкилотга айлангани айнан шу омилга бориб тақалади.

2001 йилда Шанхай ҳамкорлик ташкилот

лоти таъсис этилганда, унинг асосий мақсади минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш эди. Вақт ўтиши билан унинг миссияси кенгайиб, иқтисодий ҳамкорликни ҳам қамраб олди, чунки умумий тараққиёт фаровонлик ва барқарорлик билан чамбарчас боғлиқ экани эътироф этилди. Бугунги кунда ШХТ ҳудуди ва аҳолиси бўйича энг йирик минтақавий ташкилот бўлиб, катта бозор, хилма-хил ресурслар ва ўсиш салоҳиятига эга. Унинг ҳозирги асосий мақсадларидан бири аъзо давлатлар ўртасида савдо ва инвестицияларни рағбатлантиришдир. Шу нуктаи назардан, трансчегаравий савдо ва молiaвий ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш учун ШХТ йирикларимонлар кенгаши ва Банклараро бирлашма каби ташаббуслар яратилди. 2024 йилда Хитой ва ШХТга аъзо бошқа давлатлар, қузатувчи давлатлар ва мулоқот бўйича ҳамкорлар ўртасидаги савдо ҳажми рекорд даражага — 890 млрд. долларга етди. Бу минтақа ичидаги савдонинг ҳаётийлиги ва истикболларини қўрсатади. ШХТ доирасидаги ҳамкорлик, шунингдек, бутун Евроосиё бўйлаб инфратузилмининг ўзаро боғлиқлигини ривожлантиришга

да муҳим роль ўйнайди. Хитой ва ШХТга аъзо бошқа давлатлар ўртасидаги трансчегаравий электрон тижорат 2024 йилда аввалги йилдагига нисбатан 34 фоиз ўсди. ШХТга аъзо давлатлар гуруҳининг рақамли трансформацияси ташаббусини ҳам илгари сурмоқда. Масалан, июнь ойида қабул қилинган Ҳаракатлар режаси электрон тижорат, сунъий интеллект ва интеллектуал инфратузилма соҳаларидаги ҳамкорликни янада рағбатлантиради.

ШХТнинг Хитой раислигида Тяньцзиньда бўлиб ўтадиган саммити гуруҳнинг улкан салоҳиятини янада очиб бериши кутилмоқда. Тузилма фаровонлик ва тараққиёт билан тавсифланган умумий уй қуриш мақсад қилгани сабабли аъзолар протекционистик тарифлар, бир томонлама санкциялар ва технологик чекловларга қарши туриш учун умумий асосга эга, шу билан бирга, минтақадаги одамлар фаровонлигини ошириш учун иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштиришга. Энг муҳими, Глобал Жанубнинг илгор минтақавий ташкилот

и сифатида ШХТнинг умумий тараққиёт модели муқобил ечимларни тақлиф эта олади.

ШХТни ислоҳ қилишнинг кейинги босқичлари алоҳида эътиборни талаб қилад

“**Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари тизимида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти очик, прагматик ва кенг қўлмали манфаатли ҳамкорлик йўлини амалга ошириш нуктаи назаридан кўп томонлама платформа сифатида ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, мамлакатимизнинг ШХТга нисбатан замонавий стратегияси ташаббускорлик, конструктивлик, прагматизм ва ҳамкорликка очиклик каби асосий тамойилларга асосланади. Ўзбекистон, аввало, барча иштирокчи мамлакатларнинг ҳаётий манфаатларига жавоб берадиган истиқболли йўналишларда амалий ҳамкорликни ошириш орқали унинг эволюцияси янги шароитида ташкилотнинг салоҳиятини тўлиқ очиб беришдан манфаатдордир.**”

Ташкилот фаолиятини такомиллаштириш бўйича аниқ қарорлар ишлаб чиқишда аъзо давлатларнинг фаол иштироки юксак таҳсинга сазовор. Аъзо давлатлар томонидан ШХТни самарали кўп томонлама ҳамкорлик механизмига айлантириш бўйича мутаносиб тақлифлар тақдим этиляпти. Ўзбекистон ҳаммиса бу йўналишдаги ҳамкорликни чуқурлаштириш тарафдор

и. Шун

лиги доирасида 2022 йилда бу тузилмалар раҳбарларининг ҳам мамлакатимизда икки ва кўп томонлама учрашувлари ўтказилди.

Шубҳасиз, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг минтақада барқарорликни таъминлашга қўшган ҳиссаси бу билан чекланиб қолмайди. Ташкилотнинг амалий фаолиятида хавфсизлик ва иқтисодий ривожланиш таъминланиши масалаларига ўзаро боғлиқликнинг асосий таркибий қисмлари сифатида қаралади. Минтақада барқарорлик ва изчил тараққиёт сақлаб қолينيшда ШХТнинг муҳим роли ҳам айнан ана шундадир. Минтақада ва унинг атрофида рўй бераётган ўзгаришларга қарамаздан чорак аср давомида Марказий Осиё ШХТнинг географик ядроси бўлиб қолмоқда.

2017 йилдан буён қузатилаётган янги Марказий Осиё жараёнининг ШХТ томонидан қўллаб-қувватланиши, шубҳасиз, минтақанинг ўзи учун ҳам, ташкилот ҳудудининг барқарорлик, ўзаро манфаатли тараққиёт ва самарали ҳамкорлик маконига айланиши учун ҳам жуда муҳим аҳамият

га эга. Шу нуктаи назардан қараганда, халқаро сиёсий сўзлашувда нисбатан яқинда пайдо бўлган “Марказий Осиё руҳи” атамаси Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг доктринал асосини, яъни “Шанхай руҳи”ни мустаҳкамлайди ва бойитади, деб ҳисоблаш учун барча асослар мавжуддир.

Минтақадаги ва дунёдаги тез ўзгараучан вазият билан бирга ташкилотга аъзоликни кенгайтириш, умуман олганда, ШХТ кун тартибига муайян тузатишлар киритишни ўз-ўзидан аён. Бу объектив жараён, аммо у ташкилотнинг минтақамиздаги ролини асло қамайтирмайди. Ҳақиқатда эса ШХТнинг “масъулият зонаси”га Жанубий Осиёдаги энг йирик давлатлар — Ҳиндистон ва Покистоннинг қўшилиши, шунингдек, Марказий Осиё мамлакатларининг ШХТ орқали Яқин Шарққа кенгайишининг янги траекторияси мўлжалланиши фонидан янги истиқболлар очилмоқда. У улкан Евроосиё маконид

а кўп тизимли алоқаларни ривожлантиришда ўзаро манфаатли ташаббусларни биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун кучли платформага — транспорт, инфратузилмалар, энергетикадан то “яшил” иқтисодиёт ва рақамли трансформациягача бўлган йўналишларни қамраб олган майдонга айлантирмоқда. Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари тизимида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти очик, прагматик ва кенг қўлмали манфаатли ҳамкорлик йўлини амалга ошириш нуктаи назаридан кўп томонлама платформа сифатида ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, мамлакатимизнинг ШХТга нисбатан замонавий стратегияси ташаббускорлик, конструктивлик, прагматизм ва ҳамкорликка очиклик каби асосий тамойилларга асосланади. Ўзбекистон, аввало, барча иштирокчи мамлакатларнинг ҳаётий манфаатларига жавоб берадиган истиқболли йўналишларда амалий ҳамкорликни ошириш орқали унинг эволюцияси шароитида ташкилотнинг салоҳиятини тўлиқ очиб беришдан манфаатдордир.

Давлатимиз раҳбари 2017 — 2024 йилларда ўтказилган ШХТ саммитларида 50 дан зиёд муҳим ва долзарб ташаббусларни илгари сурди. Энг муҳими, ушбу тақлифлар ШХТнинг “йўл хариталари”, меъёрий-ҳуқуқий, дастурий ва концептуал ҳужжатлари доирасида, шунингдек, кўп томонлама ҳамкорликнинг янги механизмлари шаклида изчил амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Президент

и томонидан ташкилотнинг 2020 йилги саммитида билдирилган “ШХТ ҳар биримиз кучли бўлган тақдирдагина кучли бўлади” ғояси мамлакатимизнинг ушбу тузилмага хос “Шанхай руҳи”га мувофиқ конструктив ёндашувининг моҳиятини тўлиқ очиб беради. Давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистон раислиги даврида илгари сурилган ташаббусларни амалга ошириш мақсадида 14 та янги концептуал ҳужжатлар лойиҳаси ишлаб чиқилди. Улар ШХТ доирасидаги ҳамкорлик соҳаларини мазмунан бойитиш ва институционал кенгайтиришга қаратилган. Транспорт боғлиқлигини ривожлантириш бўйича ШХТ стратегияси, Минтақалараро савдони ривож

лантириш режаси, Инфратузилмани ривожлантириш дастури, “ШХТ Эзгу ният элчиси” институтини ташкил этиш каби ШХТ амалиёти учун янги ҳужжатлар лойиҳаларини алоҳида таъкидлаш зарур. Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган ташаббуслар мантиқан ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдиради. Масалан, ички савдони ривожлантириш орқали савдо тўсиқларини бартараф этиш, техник регламентларнинг яқинлашишига ва бохжона тартиб-таомилларини рақамлаштиришга эришиш мумкин.

Ўз навбатида, ШХТ доирасида ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш бўйича Тошкент томонидан фаол илгари сурилган ташаббуслар ташкилотнинг кенг ҳудудидан улкан транспорт ва транзит салоҳиятидан самарали фойдаланишга қаратилган. Ушбу саъй-ҳаракатлар орқали Ўзбекистон ўз ҳамкорлари билан биргаликда Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой, Термиз — Мозори-Шариф — Қобул — Пешовар, Ланчжоу — Қашқар — Ирқештом — Ўш — Андижон — Тошкент — Мари ва ҳозирги геоиқтисодий шароитда ўзига хос стратегик аҳамиятга эга бўлган бошқа транспорт йўлакларини амалиётга таътиб этишни жадаллаштириш ниятида. Бу лойиҳаларнинг рўёби Евроосиё минтақасидаги давлатларнинг ўз махсулотларини Хитойдан тортиб, Европагача бўлган улкан ҳудудда арзон ва қулай тартибда ташиш имкониятларини кенгайтиради.

Ўзбекистоннинг ШХТ маконидаги ўзаро боғлиқлик стратегияси Афғонистоннинг бутун Евроосиё учун ноёб иқтисодий ва транзит ролини тиклашга ҳам хизмат қилад

и. Афғонистон минтақада узоқ муддатли хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг асосий омил

и эканига шубҳа йўқ. Афсуски, дунёда ўз бераётган айрим воқеалар тўғрйли халқаро ҳамжамятининг Афғонистонга бўлган эътибори бироз сусайди. ШХТнинг бирон-бир давлати Евроосиё марказида беқарорлик ўчоғининг янада ривожланишидан ва Афғонистон ҳудудидан қўшни давлатлар хавфсизлигига келиб чиқадиган таҳдиддан манфаатдор эмас. Бугунги воқелик ШХТдан янада аниқ ҳаракатларни амалга ошириш ва Афғонистонни минтақавий ташаббусларга, шу жумладан, инфратузилма лойиҳаларига жалб қилишни талаб қилад

и. Шу боис Ўзбекистон етакчиси ШХТ доирасида Афғонистоннинг урушдан кейинги ривожланиш стратегиясига доир консилидацияшган ёндашувларни ишлаб чиқиш ташаббусларини илгари сурди. Энг муҳими, ушбу йўналишлар ШХТ маконид

а хавфсизлик, барқарор ривожланиш, дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарини мустаҳкамлашга қаратилган. Ишончимиз қомилки, ХХРда ўтадиган анжуман йирик сиёсий ҳамда дипломатик форумга айланди ва ташкилотнинг кейинги эволюцияси йўлидаги муҳим қадам сифатида тарихга муқрланади.

Машъал САИДОВ, Шахрисабз давлат педагогика институт

и ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

ТАЪЛИМ, ИЛМ-ФАН ВА АМАЛИЙЁТ УЗВИЙЛИГИ

ПРОФЕССИОНАЛ СУДЬЯЛАР КОРПУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Давлатимиз раҳбарининг “Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Ҳуртимизда барча соҳалар қатори суд-ҳуқук соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ҳам тобора чуқурлашиб бораётган бир шароитда мазкур ҳужжат суд тизими учун юқори малакали кадрлар тайёрлашни халқаро стандартлар асосида ташкил қилиш имконини беради.

Муносабат

Қолаверса, таълим, илм-фан ва амалиёт узвийлигини таъминлаш орқали профессионал судьялар корпусини шакллантириш зарурати, мақсади ҳамда уни амалга оширишнинг янги механизминини белгилаб, соҳада туз бўрилиш ясади, дейиш мумкин.

Хусусан, Фармон билан Судьялар олий мактаби фаолияти тубдан ислоҳ қилиниб, Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби негизида Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси ташкил этилгани айни мудоао бўлди. Академияда таълим жараёни “Устоз — шогирд” аънанаси асосида “бўлажак судьяни судья ўқитиш” тамойилига мувофиқ олиб борилиши мустаҳкамлаб қўйилди. Юридик шахс макомига эга мазкур муассаса ихтисослаштирилган давлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси этиб белгиланди.

Мазкур академияга Судьялар олий кенгаши раисининг тақдимномасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган ректор раҳбарлик қилад

и. Фармонга кўра, шундай тартиб ўрнатилдики, унга мувофиқ 2025 йил 1 октябрдан бошлаб судьялик лавозимларида номзодларни тайёрлаш академиянинг олти олий касбий қайта тайёрлаш курсларида давлат гранти асосида суд ихтисосликлари бўйича ташкил этилади.

Эътиборлиси, ушбу курсларга қабул қилинган шахсларнинг эгаллан лавозимлари бутун ўқиш даври мобайнида сақланган ҳолда асосий иш жойида лавозимидан озод қили

нган ҳолда “назария — амалиёт — имитация” тамойили асосида дуал таълим шаклида ташкил этилади.

Аввало, имитация тўғрисида тўхта-лар эканмиз, назаримизда, бу тамойил асосида машғулот ўтказиш ўзининг жуда катта ижобий самарасини беради. Бунда бўлажак судья машғулотлар давомида ҳар бир суд процесси иштирокчилари, яъни судья, прокурор, судланувчи, даъвогар, жавобгар, гувоҳ, эксперт, таржимон, мутахассис кабилар ролида имитациялар орқали қайта-қайта чиқишлар қилад

и. Бундан ташқари, дуал таълимнинг моҳияти кенг, яъни бу тизим билим олувчига таълимни ўз йўналишига мос ташкилотда меҳнат қилиш билан бирга олиб бориш имкониятини беради. Бунда лаврга мазкур муассасалардан устоз бириктирилади. Асосий мақсад — бўлажак судьяларга суд тизими учун малакали ҳамда замонавий касбий кўникмаларга эга бўлган кадрларни тайёрлаш ва касбни эгаллашга кенг имконият яратишдан иборатдир. Бугунги кунда ушбу тизим Германия, Австрия, Швейцария ва Корея Республикаси каби мамлакатларда жуда катта ўрин эгаллайди.

Касбий қайта тайёрлаш курслари тингловчиларининг амалий кўникмасини шакллантириш мақсадида ама-ний машғулотлар деонтологик услуб-да ўтказилади. Бунда тингловчилар тегишли ҳуқуқни муҳофиза қилувчи органлар, адвокатура, суд-экспертиза ҳамда бошқа давлат органлари ва муассасалари фаолиятида бевосита иштирок этиши таъминланади.

Фармонда таълим жараёнининг деонтологик усулда амалга оширилиши белгиланиши ҳужжатнинг энг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Деонтология, аввало, судьянинг бурчи, обрўси, қиёфаси, номуси ва виждони ҳақидаги фан ҳисобланади.

судьялик лавозимига уч йилгача муддатда ариза топширмаган ёки тақлиф қилинган судьялик лавозимини эгаллашни рад этган битирувчилар ўқиш даврида олган стипендия суммасини Давлат бюджетга тўлиқ миқдорда қайта тўлаб беради.

Суд тизими учун кадрлар тайёрлайдиган асосий муассаса — Одил судлов академиясида 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб “Суд фаолияти” мутахассислиги бўйича амалий магистратура дастури асосида ўқитиш ташкил этилади. Бу босқичда ўқув жараёни таълимнинг кундузги ва кечки шаклларида амалга оширилади. Академияга қабул қилишда номзодларнинг муайян тоифаларига бошқа олий таълим ташкилотларига кириш учун қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар таътиб қилинмайди.

Академияда таълим олиш муддати бир йил бўлиб, битирувчиларга олий юридик таълимнинг тегишли босқичини аяқунланганидиги тасдиқловчи давлат намунасидаги диплом берилди. Яна бир муҳим жиҳати, академияга илмий, таълим, ноширлик, матбаа ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолият йўналишлари бўйича пуллик хизматлар қўрсатиш ҳуқуқи берилмоқда ва унинг илмий таълим фаолиятини амалга оширишда Олий суднинг “Адолат” ахборот тизимлари комплексидан фойдаланиш имконияти яратилаёт

и. Президент Фармонида назарда тутилган вазифаларни бажариш, уларни изчил амалиётга таътиб этиш замон талабларига мос, назарий ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлган судьялар корпусини етиштириш, амалдаги судьялар малакасини, пировардида эса юқори малакали кадрлар тайёрлаш имконини беради.

Илҳом НАСРИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси Фүқаролик ҳуқуқи кафедраси мудир

и, юридик фанлар доктори, профессор.

Ботир МАДИЁРОВ (Халқ сўзи).

■ Байрам тухфаси

Ёшлар маркази иш бошлади

Фарғона шаҳрида замонавий мезонлар асосида қуриб битказилган Ёшлар маркази фойдаланишга топширилди.



Айтиш жоизки, Фарғона шаҳар ёшларининг саъй-ҳаракати, фаоллиги ва ҳамжихатлиги туфайли эзгу мақсад ижобати йўлида "Ташаббусли бюджет"да икки маротаба ғолиблик қўлга киритилди. Натижада 2 млрд. 600 млн. сўм маблағ ҳисобига ушбу марказ бунёд этилди.

— Бу масканда IT, хорижий тиллар, робототехника каби 8 та йўналиш бўйича машғулотлар олиб борилади, — дейди Ёшлар ишлари агентлиги Фарғона шаҳар бўлими бошлиғи Аҳаджон Акрамов. — Шунингдек, навқирон авлод вакилларининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида шахмат тўғараги, фитнесклуб, киберспорт ва кинозал фаолияти йўлга қўйилди.

Умуман, марказда бир кунда 600 нафардан зиёд ёшлар маънан ва жисмонан етуклик машғулотларида қатнашиши учун барча шароит муҳайё этилган.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

Пахтаободда замонавий мажмуа

Мамлакатимиз мустақиллигининг 34 йиллиги нишонланаётган шу кунларда Пахтаобод туманида замонавий шароитларга эга 120 ўринли туғуруқ комплекси фойдаланишга топширилди.

— Мазкур тиббиёт муассасаси кенг ва ёруғ хоналар, қулай хизмат бўлимларига эга экан, — дейди меҳнат фахрийси Арофатхон Сайдуллаева. — Бу ерда илғор тиббий ускуналар ўрнатилиб, ҳомиладор аёллар ва чақалоқларнинг соғлигини асраб-авайлаш учун барча зарур имкониятлар яратилган.

Янги мажмуа тумандаги оилалар учун катта қулайликка эга. Айниқса, шу пайтга қадар турли сабабларга кўра, туман ташқарисига боришга мажбур бўлган аёлларга энди замонавий ва сифатли тиббий хизмат ўз ҳудудларида тақдим этилади.

Саминжон ҲУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

Инклюзив таълим талабларига мос

Когон туманидаги "Истиқбол" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида фаолият юритаётган 16-умумтаълим мактаби инклюзив таълим талабларига мос ўқув биносига эга бўлди.

Иншоотда имконияти чекланган ўқувчилар учун маҳсус йўлақлар ва бошқа қулайликлар яратилган. Унинг қад ростлаши учун 3 млрд. сўмга яқин маблағ сарфланди. Сирасини айтганда, аҳоли сони кўпайиб бораётган ҳудудда янги ўқув биносига эҳтиёж анчадан буён бор эди.



Муҳими, мактаб жамоаси янги ўқув йили арафасида бир қатор ноқулайликлардан халос бўлди. Фарзандларининг замонавий шарт-шароитларда таълим олишидан манфаатдор ота-

оналар ҳам хурсанд.

Янги бинони фойдаланишга топшириш тантанали маросимида қатнашганлар давлатимизнинг ёш авлод таълим-тарбиясига катта эътибор қаратаётганини алоҳида таъкидлаб, бу қулайликлар мактабда ўқув самарадорлигини оширади, дея ишонч билдиришди.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ АЙЁМ
БАРЧАМИЗГА МУБОРАК БЎЛСИН!

Бугун юртимизда "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган улуғвор ғоя асосида эзгу ташаббуслар илгари сурилмоқда. Инсон манфаатларини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, халқ саломатлигини муҳофаза этиш мақсадида олиб борилаётган оқилона сиёсат туфайли мамлакатимизда юксалиш кўзга ташланмоқда.



Жумладан, Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтида ҳам тиббиёт соҳасида юрт келажигига камарбаста, билимли ва фидойи мутахассислар тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шубҳасиз, бу каби имкониятларнинг асосий мезони соғлом халқ ва юрт мустақиллигидир.

Озодлик, деб аталмиш улуғ неъмат боқий бўлсин, ҳар бир хонадонда истиқлол тафти, соғлиқ ва фаровонлик ҳукм сурсин!

Энг улуғ, энг азиз айём барчамизга муборак бўлсин!

Абу Али ибн Сино номидаги
Бухоро давлат тиббиёт институти жамоаси.

ТАДБИРКОРНИНГ ҲИММАТИ

14 миллион сўмлик ҳиммат. Бу ким учундир арзимасдек туюлиши мумкин, аммо марказдан юзлаб километр олисдаги овулда бундай хотамтойликка ҳамма ҳам ботина олмайдди. Негаки, дов-дарахтлар учрамайдиган бийдай даштда яшашнинг ўзи — қаҳрамонлик. 25 та оила истиқомат қилаётган овулнинг "Кенгдала" деб аталишида ҳам ҳикмат бор. Аҳолининг асосий тирикчилиги қорақўлчилик. Шундан бўлак даромад келадиган манбанинг ўзи йўқ.

■ Офарин!

Чўпонлар эса бир йўлга тушса юз чақирим ҳеч гапмас. Ҳар тўқисда бир айб, дегандай чўпон кўним

топган жойда интернет ишламайди. Шу боис болакайларнинг зехни қиличнинг тигидек — ўткир, ки-

тоблардан куч олади улар! Биз таърифлаётган жойда мактаб йўқ деманг, Конимехдан 250 километр узоқликдаги бу овулда ҳам мактаб бор, фақат ўқувчиси кам — 25 нафар. Мактаб директори Умурзоқ Бухановнинг айтишича, бу йил ўқувчилар сони икки карра ошади, қозоқ тилидаги дарсликлар таъминоти ҳам изга тушади.

— Аҳолимиз кам, шунга қарамай, давлат чиройли мактаб қуриб

берди, чўпонларнинг болалариям ўқисин, шу Ватанга юрагини берсин, дейишди. Мактаб ҳовлисидаги дарахтлару гулларни сўғоришга обиҳаёт йўқ эди. Барака тоғгур, тадбиркор Эркинбой Жонхўжаев ўз ёнидан харажат қилиб, артезиан қудуқ қазиб берди, шарқираб сув отилди. Э, асти сўраманг, ўша кунги қувончни, ҳамма уйинга тушиб кетди, — дейди мактаб директори. — Болаларнинг келажакда ким

бўлиши тарбияга ва билим олишига боғлиқ. Сув чиқарган тадбиркорни мактабга қақриб, ўқувчиларга таништирдим — "Холмурод Қозғон қорвадорлар макони" фермер хўжалигининг бошлиғи шу киши бўлади. Шовуллаб отилаётган сув мана шу оғанинг ҳиммати. Сизлар ҳам катта бўлганда ўзингиз ўқиган мактабни унутиб юборманг. Мактаб — бу кичик Ватандир, дедим. Аслида ҳам, шундай-да.

Абдунаби АЛИҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

«YEVROOSIYO BANKI»
AKSIYADORLIK JAMIYATINI
MAJBURIY TUGATISH TO'G'RSIDA
RASMIY XABARNOMA

«Yevroosiyo banki» AJ Tugatish komissiyasi («Bank» deb yuritiladi) O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 27-avgustdagi 22/1-sonli qarori bilan tayinlangan bo'lib, barcha omonatchilar, kreditorlar va boshqa manfaatdor shaxslarga Bankni majburiy tugatish jarayoni boshlanganligini ma'lum qiladi.

O'zbekiston Respublikasi qonunchiligiga muvofiq, omonatchilar va kreditorlar tomonidan Bankka nisbatan talablarni bildirish muddati ushbu xabarnoma e'lon qilingan kundan boshlab **ikkni oyni** tashkil etadi.

O'z talablarini bildirish uchun Tugatish komissiyasiga yozma ariza taqdim etish zarur. Arizada quyidagilar ko'rsatilishi kerak:

● **Jismoniy shaxslar uchun:** F.I.Sh., pasport ma'lumotlari, yashash manzili, bog'lanish uchun telefon raqami, talabning mazmuni va miqdori;

● **Yuridik shaxslar uchun:** tashkilotning to'liq nomi, STIR (IHH), yuridik manzili, bank rekvizitlari, talabning mazmuni va miqdori.

Arizaga talabning asosi va miqdorini tasdiqlovchi hujjatlarning asl nusxalari yoki notarial tasdiqlangan nusxalari (shartnomalar, hisobvараqdan ko'chirmalar, to'lov hujjatlari va h.k.) ilova qilinishi shart.

Diqqat, ikki oylik muddat tugaganidan so'ng, ya'ni **2025-yil 29-oktabr** sanasidan keyin bildirilgan arizalar va talablar Tugatish komissiyasi tomonidan ko'rib chiqish uchun **qabul qilinmaydi**.

Arizalar Tugatish komissiyasi tomonidan ish kunlari soat 9:00 dan 18:00 gacha quyidagi manzilda qabul qilinadi: **Toshkent shahri, Yunusobod tumani, Minor tor ko'chasi, 77-uy**.

Qo'shimcha ma'lumot uchun quyidagi telefon raqamiga murojaat qilishingiz mumkin:
+998-33-477-27-11.

«Yevroosiyo banki» AJ Tugatish komissiyasi.
E'lon qilingan sana: 2025-yil 30-avgust.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 842. 10 709 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳририятга келган қўлабмақал тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Қаршиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 03.42 Топширилди — 03.50 1 2 3 4 5 6